



HUDUDGAZTA'MINOT

AKSIYADORLIK JAMIYATI

1430100668

ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ
ИСТЕММОЛЧИЛАРГА
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ШАРТНОМАСИ

№ 777 50

ID: 95-5336

09.01. 2023 йил

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш
ШАРТНОМАСИ

“9” яйвар 2023 йил № T-11150

Самарқанд шаҳар.

Кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталувчи

SPVV

(истеъмолчининг номи)

номидан ишончнома асосида ҳаракат қилувчи раҳбари Х.Б.Юнусов
бир томондан ва (кейинчалик “Етказиб берувчи”деб аталувчи)

“ХудудгазСамарқанд” газ таъминоти филиали

номидан ишончнома асосида ҳаракат қилувчи, раҳбари **А.О.Мухаммадиев**,
иккинчи томондан, ушбу Шартномани куйидагилар ҳакида имзоладилар:

I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоклари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газни (кейинларда ўринларда газ деб аталади) мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмларда етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу ҳажмда кўрсатилган газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи ушбу шартномага мувофиқ, газ таъминоти лойиҳаси асосида, стандартлаштирилган ва сертификатланган газ ёкиш мосламалари ва газдан фойдаланиш учун ускуналар, шунингдек, газ сарфини хисобга олиш приборлари (кейинги ўринларда ўлчаш мосламалари деб аталади) мавжуд бўлганда газ етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёrlарга (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли карори билан тасдиқланган Табиий газдан фойдаланиш коидаларининг 6-банди) асосан келгуси йилда газга бўлган асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи ҳар йили 15 июлгача бўлган муддатда етказиб берувчига чораклар бўйича (киш даври учун – ойлар бўйича) тақсимланадиган келгуси йилги газ истеъмолининг прогноз қилинаётган ҳажми учун, шу жумладан шахсий электрон кабинет орқали, буюртма беради.

1.4. Истеъмолчининг асослантирилган буюртманомасига асосан 2023 йил учун етказиб бериладиган газ ҳажми 82732 куб метрни, нархи 107551,6 минг сўмни ташкил қилиб, белгиланган ҳажмдаги босим билан техник шартлар асосида, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагича аникланади:

I чорак	<u>82932</u>	минг куб.м., январь	<u>4111</u>	февраль	<u>27833</u>	март	<u>13788</u>
II чорак		минг куб.м., апрель		май		июнь	
III чорак		минг куб.м., июль		август		сентябрь	
IV чорак		минг куб.м., октябрь		ноябрь		декабрь	

Етказиб берувчи томонидан хизматларни түлиқ ҳажмда күрсатиш учун газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиқкан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида кайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20 йилда зарур бўлган газнинг минимал ҳажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қўйидагини ташкил қиласди:

I чорак	_____ минг куб.м., январь	_____	февраль	_____	март	_____
II чорак	_____ минг куб.м., апрель	_____	май	_____	июнь	_____
III чорак	_____ минг куб.м., июль	_____	август	_____	сентябрь	_____
IV чорак	_____ минг куб.м., октябрь	_____	ноябрь	_____	декабрь	_____

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан табиий газ ҳажми чораклар бўйича (қиши даври учун — ойлар бўйича) тенг тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчининг келгуси ой учун кутилаётган ўзгариш тўғрисидаги аризасини тасдиқланган ресурслар баланси ва табиий газ тақсимотига мувофиқ ажратилган ҳажмлар даражасида кўриб чиқиши мумкин.

1.7 Ушбу шартнома шартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган Табиий газдан фойдаланиш Қоидаларига талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Тарафлар шартнома шартларига риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада кўрсатилган муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар)га мувофиқ етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4-бандига асосан ҳар бир ой учун кунлик (соат) тенг тақсимланган холда газни қабул килиб олади, шунингдек, 4.11-бандига асосан газни етказиш-қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига газни етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги ҳакида 3 сутка олдин қайд қилинган хабарномани мавжуд усуллар орқали маълум қилиши шарт.

Етказиб берувчининг фавқулодда-диспетчерлик хизмати телефон рақами:

Буюк Ипак Йўли 15-уй тел: 1104 66 239-78-10

Истеъмолчининг манзили ва телефон рақами:

М. Чушибек 77 ўй 91 529 87 75

2.4. Етказиб берувчи газ етказиб беришнинг қисқартирилиши ҳакида қайд қилинган хабарномани мавжуд усуллар орқали Истеъмолчини амалда газ етказиб бериш қисқартирилишидан 3 кун олдин хабардор қиласди.

Газ қувурларида авария ҳолатларида Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш камайтирилганлиги ёки тўхтатилганлиги тўғрисида тезкор хабардор қиласди.

2.5. Конунчилук хужжатларида белгиланган тартибда майший истеъмолчиларни, идоравий ва муниципал уй-жой фондини, аҳоли эҳтиёжларини, шунингдек стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмолчиларни об-ҳаво совиб кетиши даврида газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида Табиий газдан фойдаланиш коидаларида белгиланган тартибда Истеъмолчиға газ етказиб бериш кисқартирилиши ёки бутунлай тўхтатилиши мумкин.

2.6. Истеъмолчи ўз тасарруфидаги газ тармоқлари ва уларга ўрнатилган ускуналар, Истеъмолчиға тегишли бўлган газ тақсимлаш пункtlари (ГТП) ва газдан фойдаланиш қурилмалари, газ тармоқларининг сақланиши ва техник хизмат кўрсатилиши, фойдаланилиши ва уларнинг яроқлилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилғига ўтказиш жадвалига киритилган тақдирда захира ёқилғи туридан фойдаланишини кўзда тутиши ва уни етарли микдорда (3 ой давомида эҳтиёжни қоплайдиган) шакллантириши шарт. (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

Истеъмолчи табиий газдан фойдаланиш коидаларига мувофиқ захира ёқилғига ўтиши ва газдан фойдаланишини тўхтатилиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади

2.8. Истеъмолчида газ истеъмоли ҳажми ўзгариши муносабати билан кўшимча газдан фойдаланиш қурилмаларининг ўрнатилиши, реконструкция ёки таъмирланиши лозим бўлганда Истеъмолчи Етказиб берувчидан реконструкция қилишнинг техник шартларини олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш коидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.9. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган тақдирда улар дарҳол бу ҳақда бир бирларини хабардор қилишлари лозим.

2.10. Газни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, транспортировка қилиш, тақсимлаш ва истеъмол қилишнинг ягона ажралмас технологик жараёнини ҳисобга олган ҳолда, газни ишлаб чиқарувчи, транспортировка қилувчи корхоналарнинг ва Етказиб берувчининг амалдаги конунчилик талабларига мос бўлган кўрсатмаларининг бажарилиши Истеъмолчи учун мажбурийdir.

2.11. Истеъмолчи газ ҳисоблаш прибори маълумотларини Табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда ТГНҲАТ деб аталади)га онлайн тарзда мунтазам узатилишини таъминлаш чораларини кўради.

Маълумотларни ТГНҲАТга онлайн тарзда узатилишида Етказиб берувчига алоқадор бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари ёки ўлчаш комплекси кўрсаткичлари бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуктаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ёки ўлчаш комплекси ўрнатилиши шарт.

3.3. Етказиб берилган газ учун хисоб-китоб стандарт шартларга нисбатан газ ҳажмини – куб метрларга келтирган ҳолда ($T = 20^{\circ}\text{C}$, $P = 760$ мм симоб устуни хисобида) амалга оширилади. Табиий газ сарфини хисоб-китоб қилишда куйидаги жиҳатлар хисобга олинади:

манометрлар ва термометрларнинг созлиги, уларнинг давлат қиёсловидан ўтганлигининг амал қилиш муддати;

ГТШни созлаш (тартибга солиш) муддати, шунингдек амалдаги ишчи босимининг ГТШнинг созланганлиги тўғрисидаги далолатномада кайд этилган параметрларга мувофиқлиги.

Юкоридаги кўрсаткичларга риоя қилинмагандан, Рортиқча = 1,0 кг/см² коэффициенти қўлланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки хисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ТГҲНАТ)га уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.8. Газ истеъмолини хисобга олиш приборларини давлат қиёсловидан ўтказиш метрология хизмати органлари томонидан конунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

3.9. Режалаштирилган ишларнинг бир кисми сифатида (қиёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

3.10. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.11. Газнинг физик-кимёвий параметрлари стандарт шароитдаги зичлик, азот (N_2) ва углерод диоксида (CO_2) Стандарт торайтирувчи курилмалар асосидаги ўлчов комплексларининг конфигурациясига киритилади.

Етказиб берувчи Истеъмолчи билан биргаликда хисоблаш приборига, унинг сифат лабораторияси томонидан тақдим этиладиган газ таркиби бўйича тузатувчи ўзгартиришларни 12 соатдан кечиктирмасдан киритиши керак. Газ таркиби бўйича кўрсаткичларнинг ўз вақтида ва ҳаққоний киритилиши учун жавобгарлик Етказиб берувчи зиммасида бўлади.

3.12. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий кисмларининг тўғри ишлашини кузатиш хукукига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

3.13. Куйидаги ҳолатларда етказиб берилган табиий газ учун пломбаланмаган газдан фойдаланиш асбоб-ускуналарининг бир суткада тўлиқ кувват билан 24 соат ишлаши хисобидан амалга оширилади:

газни ҳисобга олиш приборини давлат киёсловидан ўтказиш муддати тугаганда ва Истельмолчи давлат киёсловини ўтказишига тўскинилик килган ҳолатда, тегишли ҳисоб-китоб киёслов муддати тугаган вақтдан бошлаб у ўтказилгандан кейин газни ҳисобга олиш приборини ўрнатишгача бўлган даврга.

Истельмолчи томонидан қўйида кўрсатилган коида бузилишлари содир этилган тақдирда, ундан истельмол қилинган табиий газ ҳажмлари нархи (амалдаги тарифлар бўйича) Етказиб берувчининг ваколатли ходими сўнгги кўрикдан ўтказиш вақтидан бошлаб, газдан фойдаланиш ускунасининг сутканинг 24 соатида тўлиқ кувват билан ишлаши ҳисобидан келиб чиккан ҳолда, бироқ мазкур ҳисоб-китоб даври (ой)дан ортиқ бўлмаган муддатга ундирилади:

- а) табиий газ истельмолини ҳисобга олиш приборига қасдан шикаст етказиш;
- б) ўчириш қурилмалари, газдан фойдаланадиган ускуна ёки табиий газ истельмолини ҳисобга олиш приборида ўрнатилган тамғаларни қасдан бузиш;
- в) табиий газ ҳисобини юритмасдан ёки ўрнатилган табиий газ истельмолини ҳисобга олиш приборларидан фойдаланмасдан табиий газни ишлатиш, ойлик меъёрлар бўйича ахоли майший эҳтиёжлар учун табиий газ етказиб бериш бўйича хизмат қўрсатиш бундан мустасно;
- г) газ қувурлари ёки ГТШларда, газ тақсимлаш тармоқларини технологик иш режимини бузишга олиб келадиган қурилмаларни ўрнатиши.

Охирги кўрик ёки охирги ташриф – газ таъминоти ташкилотининг ваколатли ходими томонидан ҳисоблагични техник ва метрологик ҳолатини ҳамда газ ускуналарини жойига чиккан ҳолда кўздан кечириш (тасдиқловловчи хужжатлар тақдим этилганида) ҳисобланади.

Хатловдан ўтказиш далолатномаси мавжуд бўлмаганда табиий газ истельмолини ҳисобга олиш приборини давлат киёсловидан ўтказиш учун ечиб олиш санаси охирги хатлов ўтказилган кун ҳисобланади.

Истельмолчilar томонидан газлаштириш учун зарур хужжатлар расмийлаштиромасдан газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланган тақдирда, ушбу хатти-харакатларни содир этган шахслардан рухсатсиз фойдаланилган газ ҳажмлари қиймати Истельмолчи давлат рўйхатидан расмий ўтказилган кундан бошлаб (тегишли тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) ўтган вақт мобайнида газдан фойдаланиш ускунасининг сутканинг 24 соатида тўлиқ кувват билан ишлаши (ёки стандарт газдан фойдаланиш ускунаси мавжуд эмаслигида қувурнинг ўтказиш имконияти) ҳисобидан келиб чиккан ҳолда, бироқ дайво муддатидан ортиқ бўлмаган микдорда ундирилади.

Шунингдек, тармоқка уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада максимал (тўлиқ) кувват билан 24 соат ишлаши ҳисобидан келиб чикиб, истельмол қилинган табиий газ ҳажмларининг қиймати қуйидаги ҳолларда ундирилади:

а) ҳисобга олишни нотўғри кўрсатиш мақсадида ҳисобга олиш приборининг конфигурацияси ва созлигини ўзгартириш учун табиий газ истельмолини ҳисобга олиш приборига модем ёки бошқа алока воситаларининг рухсатсиз улангани аниқланганда – рухсатсиз аралашилган кундан бошлаб бутун вақт давомида (аралashiш ҳолати ва санасини тасдиқловочи хужжатлар мавжуд бўлганда), лекин дайво муддатидан кўп бўлмаган даврда;

б) табиий газ истельмолини ҳисобга олиш приборининг хотирасидан истельмолчининг айби билан назорат қилинадиган маълумотлар кисман ёки тўлиқ йўқотилишига йўл кўйилганда – маълумотлар йўқотилган вақтдан носозлик аниқланган вақтгача (аралashiш ҳолати ва санасини тасдиқловочи хужжатлар мавжуд

бўлганда), вақтни (даврни) аниклаш имкони бўлмаганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда;

в) газ истеъмоли ҳажмлари хисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда. Ушбу ҳолатда пломбаланмаган газ жиҳозларида фойдаланилган газ учун хисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кунда амалга оширилади;

г) хисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда, прибордан ташқари визуал аниклаб бўлмайдиган яширин йўл билан уланишлар (газ қувурлари, байпас линиялари ва бошқаларни яширинча монтаж қилиниши) аникланганда – охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда;

д) хисобга олиш прибори бузилганда ёки мавжуд бўлмаганда (истеъмолчи айби билан), пломбалар узилганда ва визуал аникланадиган табиий газнинг ҳақиқий истеъмоли кўрсаткичларини камайтириш мақсадидаги бошқа қоидабузарликларда (жумладан, хисобга олиш приборидан ташқари ёки ундан олдин газ қувурлари ва байпас линиялари уланганда) – бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтда;

Хисоблаш прибори Истеъмолчининг айбисиз носоз ҳолга келганда, хисоблаш прибори ТГНҲАТга уланган бўлиб, тизимдан архив маълумотлар олиш имкони бўлганда, хисоб-китоб амалга оширишда ушбу маълумотлардан фойдаланилади.

Хисоблаш прибори носоз ҳолга келганда, Истеъмолчи 24 соатдан кечикитирмасдан бу ҳақида Етказиб берувчига хабар бериши, шунингдек, Истеъмолчини ва газдан фойдаланувчи ускуналари иш жадвалини тузиши ва газдан фойдаланилмайдиган газ ускуналарини Етказиб берувчи Истеъмолчи иштирокида тамғалаб кўйиши ва тегишли далолатнома расмийлаштириши шарт.

е) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирмасдан кўшимча газ курилмаси ўрнатиш ҳолати аникланганда (кўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи хужжатлар мавжуд бўлганида), -охирги хатлов далолатномаси тузилган кундан, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтда.

Газ узуб кўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узуб кўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичидаги тўлиқ қувват билан ишлаб туриши хисобидан аникланади.

Бунда қоидабузарлик тўғрисидаги далолатномага мувофик амалга оширилган қайта хисоб-китоб ҳажми ва суммаси қонун бузилиши натижасида келтирилган зарарни хисоблаш учун асос хисобланади.

3.14. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг ишлаши бузилган ҳолатлар аникланганда, Етказиб берувчи “Ўзстандарт” агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса Етказиб берувчи томонидан амалга оширилади.

3.15. Агар газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси носоз ҳолга келганда ёки газ сизиб чиқиши ҳолатлари аниқланган тақдирда Истельмолчи 24 соатдан кечиктиримасдан бу ҳакида Етказиб берувчига хабар бериши, шунингдек, Истельмолчини ва газдан фойдаланувчи ускуналари иш жадвалини тузиши ва газдан фойдаланилмайдиган газ ускуналарини Етказиб берувчи Истельмолчи иштирокида тамғалаб қўйиши ва тегишили далолатнома расмийлаштириши шарт.

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истельмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар ваколатли орган томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

Бунда, Истельмолчининг идоравији ва муниципал уй-жой фондига, ётоқхоналарига ва аҳоли эҳтиёжи учун локал қозонхоналарига Етказиб берувчи томонидан маший истельмолчилар учун белгиланган тариф кўлланилади ва бу тўғрисида шартноманинг иловасига мувофиқ кайд этилади.

4.3. Истельмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчи ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 70 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истельмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибида мурожаат қилишга ҳаклидир. Бундай ҳолатларда истельмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи микдорида олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истельмол килинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истельмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истельмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятта эга истельмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истельмолчи томонидан олинган газ учун узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш ҳисоб-китоб ойдан кейинги ойнинг 10-кунигача амалга оширилади.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истельмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Газдан фойдаланишда Истельмолчининг айби билан газ етказиб беришга шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар кайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда хисобга олинади.

4.9. Истельмолчи томонидан газ етказиб бериш учун тузилган шартномада ҳисоб-китоб ойи давомида белгиланганидан кўп ҳажмда ва Етказиб берувчи билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истельмолчидан (газ етказиб беришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган стратегик ташкилотлар бундан

мустасно) шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган түлов ундирилади.

Бунда, газнинг ҳисобини юритилишида истеъмолчи айбордлиги асослантирилиб камчиликлари аникланганда, истеъмол қилинган газ ҳажмини ўрнатилган газ асбобускуналарини түлиқ куввати бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинган тақдирда, истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган түлов ундирилмайди.

Навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган газ ҳажмлари бўйича ушбу шартнома ўзгарилишидан олдин Истеъмолчи Етказиб берувчига бу ҳақида ўн кундан кечикмай хабар берган тақдирда, бундай ҳолатлар ортиқча олинган микдор деб ҳисбланмайди.

4.10. Газ учун истеъмолчининг тўлов муддати ўтган карзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари истеъмолчини хабардор килган холда, тўлов муддати ўтган карзни тўлашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китоб ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида Газни етказиб бериш-қабул килиш далолатномаси расмийлаштирилади.

Далолатномани расмийлаштиришда қуйидагилар инобатга олинади:

а) газ ҳисоблаш прибори кўрсаткичлари, автоматик тарзда тўғриланадиган газни ҳисоблаш приборидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) истеъмолчи газ тармоклари ва ГТШдаги технологик йўқотишларнинг ҳисобланган ҳажми кўрсатилган холда расмийлаштирилган далолатнома.

4.12. Кўрсаткичлар олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5-кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.

4.13. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктиримасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномасини ва счет-фактурани қабул килиб олади ва имзолайди ҳамда бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади.

4.14. Газни етказиб бериш-қабул килиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод килмайди. Етказиб берилган ёки қабул қилинган газ микдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб килиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрисида далолатноманинг бир нусхасини тақдим киласди. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари конунчиликда белгиланган тартибида кўриб чиқилиши керак.

4.16. Етказиб берилган табиий газ учун қарзларни ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича аризалар иктиносидий ишлар бўйича судида кўриб чиқилаётганда табиий газ етказиб берувчи ташкилот олдиндан давлат божи тўлашдан озод килиниб, кейинчалик давлат божи суммаси айборд томондан ундирилади.

4.17. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган ҳолатда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор киласди. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур Шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибида кучга кирганидан сўнг амалга оширилади.

Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпи билан кейинги 1 ой қўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

Фойдаланилган газ учун тўлов суммаси газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларидан кўрсатгичларни олиш вақтида амалда бўлган тарифлар асосида ҳисобланади. Тарифлар ўзгарганда, аввал ҳисобланган сумма бўйича тарифлар ўзгаришига қадар тўлов амалга оширилмаган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайдиган карздорлик вужудга келган деб тан олинади.

V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан 3.13-бандида кўрсатиб ўтилган ҳукукбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатнома билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, Етказиб берувчи вакилининг сўнгги кўздан кечириш кунидан бошлаб, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундирилади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод кilmайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчи (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно) газ тармоқларидан куйидаги ҳолатларда узиб қўйилади:

- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;

- Етказиб берувчининг қонунчиликда белгиланган кўрсатмалари бажарилмаганда, шу жумладан унинг вакиллари ҳисоблаш приборларидан кўрсаткини олишига қўйилмаганда;

- ҳисоблаш приборларига қасдан зарап етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўскинлик қилувчи хатти-харакатлар амалга оширилган ва бошка Табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатларида;

- газни талон-тарож қилиш, газ тармоқларига ноқонуний уланиш ҳолатлари аниқланганда.

- ТГНХАТ носоз ёки мавжуд бўлмаса.

6.2. Етказиб берувчи етказиб берилган газ учун карздор бўлган Истеъмолчини карзни беш кун ичida узиши лозимлиги ҳакида хабардор килади.

Етказиб берувчи Истеъмолчини хабардор килган вақтдан бошлаб беш кун мuddат ўтгандан сўнг, Истеъмолчини дебитор қарздорлик учун газ тармоқларидан узиб қўйиш ва уларни қайтадан улашни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида амалга оширади.

Қайта уланишда Истеъмолчидан тўлов куни амалда бўлган базавий ҳисоблаш

микдорининг ўн баравари микдорида ҳақ ундирилади. Бунда, ТГНҲАТга уланган ҳамда хисобга олиш прибори автоматик тарзда ўчириб-ёкиш курилмасига эга бўлган истеъмолчиларни газ тармоқларига қайта уланиши учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда саклаш ва уларни ўз хисобидан таъмирлаш-тиклашга;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечиришга;
- газ етказиб бериш қисқартириш ёки тўхтатиш тўғрисида ушбу шартноманинг 2.4 ва 2.5-бандлари талабларига кўра Истеъмолчини хабардор килишга;
- ўзбошимчалик билан уланиш ҳолатлари аниқланганда, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилингандиги тўғрисида ҳукукни муҳофаза килиш органларини хабардор килишга;
- истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газ етказиб беришга;
- ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажаришга;
- қонунчилик хужжатларида белгиланган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмолчиларни об-ҳаво совиб кетиши даврида табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида ушбу шартноманинг 2.5-банди талабларидан келиб чиқкан ҳолда табиий газни қисқартириш ёки тўхтатиб кўйишга.

Етказиб берувчи Қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйидаги ҳукукларга эга:

- истеъмолчини белгиланган тартибида ушбу шартноманинг 2.4 ва 2.5-бандлари талабларига мувофиқ хабардор қилган ҳолда, газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;
- ўзбошимчалик билан уланиш ҳолатлари аниқланганда, уларни газ тармоғидан узиб кўйиш;
- истеъмолчилардан Табиий газдан фойдаланиш қоидлари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишини талаб килиш;
- шартномани қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;
- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечикириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирумасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш.

7.3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

- газдан оқилона ва самарали фойдаланишга;
- ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига унинг вакили билан бирга электрон газ хисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этишга;

- тасарруфидаги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлашга;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чикиши ҳолати ҳакида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилишга;

- ўзининг газ тармоқлари дахлисизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чикишга;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (кейинги ўринларда ЛТҲ деб аталади) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл кўймасликка;

- газ таъминоти ташкилоти вакилларининг (тегишли гувохнома кўрсатилган тақдирда) газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлашга;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этишга;

-газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўқсинглик килувчи ҳаракатларни амалга оширмасликка, уларнинг қасддан бузилишига йўл кўймасликка ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлашга;

- газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, 24 соат ичida газ таъминоти ташкилотини ўзи учун кулай шаклда дарҳол хабардор килишга;

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуидагиларни талаб қилиш ҳуқукига эга:

- етказиб берилган газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларига норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя қилган ҳолда узатилиши;

- шартнома бекор килинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор килиш;

- газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш;

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига шартномага асосан газ етказиб бермаган ёки тўлиқ етказиб бермаганлиги оқибатида етказилган аниқ зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Истеъмолчи

Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан белгиланган тартибда жарима кўллаш бўйича судга мурожаат этиш ҳукуқига эга.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартиб асосида жарима санкциялари кўлланилади, куйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) газ тармоқларида авария ҳолатлари;

в) киши даврида вактинча газ етказиб бериши белгиланган тартибда чеклаш жорий этилганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарори, шунингдек, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериши тармоғидан узиб кўйилмайдиган обьектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташкири).

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмагандан, Истеммолчи газ қабул килиш ёки унинг учун ҳак тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлашни талаб килиш ҳукуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеммолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришини талаб килиш ҳукуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеммолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи микдорида, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пея тўлайди.

8.6 Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеммолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пея тўлайди.

Алоҳида тартиби белгиланадиган стратегик ташкилотлар газ таъминоти ташкилотига тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда пея тўлайди.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан кўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳакида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал килишини кафолатлайди.

9.2. Истеммолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнida у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Етказиб берувчининг манбаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат килиб, Етказиб берувчининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қонунчиллик талабларига кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.2. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл кўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар уларнинг хоҳиш ва харакатларига боғлик бўлмаган табиий оғатлар ёки ижтимоий-иктисодий вазиятлар сабабли ушбу шароитларда қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатларни ўз ичига олган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан хеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармагани учун жавоб бермайди.

11.2. Агар кўрсатилган форс-мажор ҳолатлари мажбуриятларнинг шартномада белгиланган муддатларда бажарилишига таъсир қилса, у холда ушбу муддатлар форс-мажор ҳолатларининг амал қилиш вақтига, аммо табиий таъминоти шартномасининг амал қилиш муддатидан кўп бўлмаган вақтга узайтирилади.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма равища расмийлаштирилган ва томонлар ўртасида имзоланган бўлиши лозим.

12.2. Бюджет ташкилот учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПҚ-594-сон карорига асосан Фазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Ушбу шартнома 2023 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилади. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши муносабати билан томонлардан хеч бири уни бекор қилиш ҳакида мурожаат килмаган тақдирда, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат килмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили “2023” йил 31 декабр санасига” амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

Томонлар ўртасидаги ўзаро келишувга асосан ҳал этилмаган низолар жавобгарнинг жойлашган жойидаги Иктисодий суд томонидан ҳал қилинади.

XIII. ШАРТНОМАНИНГ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

13.1 Фуқаролик кодексида, бошқа қонунларда ёки мазкур шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан факат қуидаги ҳолларда ўзгарилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

а) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;

б) Фуқаролик Кодекси, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.

Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, конун ёхуд тарафларнинг келишувида бунга йўл кўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгарилилган ҳисобланади.

13.2 Фуқаролик Кодексининг 455, 476-моддаларида назазарда тутилган асосларга кўра табиий газ етказиб бериш Етказиб берувчи бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

13.3 Шартномани амал қилиш даврида шартнома VI-бўлимида назарда тутилган бандларини бир неча бор бузиш ҳолатларида бекор қилиниши мумкин.

13.4. Истемолчи томонидан шартноманинг 13.1-бандида кўрсатилган коида-бузарликлар бартараф этилиб, ушбу коидабузарликлар натижасида етказилган зарар тўлиқ қопланганидан сўнг, истемолчи билан газ етказиб бериш шартномаси тузилади.

XIV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

14.1. Ушбу шартнома шартларида назарда тутилмаган ҳолатлар ва ўзаро келиб чиқадиган низолар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган Табиий газдан фойдаланиш коидаларига ва амалдаги норматив-хукукий хужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

14.2. Ушбу шартнома 14 вақафдан иборат бўлиб, бир хил юридик кучдаги икки нусхада тузилган ва ҳар бир томонда бир нусхадан сакланади.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ — “Худудгаъзтаъминот” АЖ
«HUHUDGAZSAMARQAND» газ таъминот филиали

Самарқанд шаҳар Буюк Ипак Йўли 15-үй

“UZSANOATQURULISH” BANK TOSHKENT SHAHAR

БОШ ОФИС МФО: 00440 OKED: 35220

ИНН: 306 605 769 X/p: 2263 4000 0051 1396 0396

Телефони: 1104 66 239- 78-10

Рахбар

Марказ дар ўрни

А.О. Мухаммадиев

ИСТЕММОЛЧИ

(шиклотлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг номи)

Почта манзили

SAMARQAND DAVLAT VETERINARIYA MEDITSINASI

CHORVACHILIK VA BIOTEKNOLOGIYALAR UNIVERSITETI

Samarqand sh. M.Ullug'bek ko'chasi 77-uy

Tel/Fax +998(66) 234-78-92, 234-76-86

SHN: 1000010860184017094100250001

ИНН: 201878451, ОҚОНХ: 92110 Меъда вазирлиги

Samarqand viloyati g'aznachillik boshqarmasi Yaponiya g'azna

H/v: 2340 2000 3001 0000 1010

Markaziy bank XKKM Toshkent shahri boshqarmasi

MFO: 00014 INN: 201122919

Фаолият тури

Коди

ХХТУТ

Боғланиш телефони

Тўловлар учун банкнинг хисоб-раками

Банкнинг номи

ФЛМДА ВА CHORVACHILIKNI RIVOJLETISHUVASI CHORVACHILIK VA BIOTEKNOLOGIYALAR UNIVERSITETI

Рахбар

Х.Б.Юсупов

(Ф.И.О.)

М.б.

Юрист маслаҳатчи худосини:

oshmamatov d.M.

(Ф.И.О.)

(имзо, муҳр)

(сана)

N.abeeevat f.eto

143 01 006668

16

2023 йил 09-01
дағы
Газорон шартномага ИЛОВА
10-955336

Фойдаланишга қабул қилингандың газда ишлайдын курилмалар
РҮЙХАТИ

Т/п	Корхона, бўлим, цех ва бошқаларнинг номланиши.	Агрегатлар		Газни лойихавий сарфи (паспорт), м3/саат	Хисобга олиш приборлари турлари	Изоҳ*
		номланиши	сони			
						ХССГР 80/280
<i>Хисоб исебаби газдан ахолини газ билан таъминлаш учун фойдаланаңдан қандай тарифлар кўйланилиши қайд этилади, табиий газдан ахолини газ билан таъминлаш учун фойдаланаңдан идеравий ва муниципал уй-жой фондига, юридик шахслар ётөқхоналарига ва хусусий уй-жой муклодорлари ширкатларига ҳамда ахоли эҳтималик учун локал қозонхоналарга машни истеъмолчилар учун бепшагланган тариф кўйланилишини назарда тутиб, ушбу ҳолат алоҳида қайд этилади.</i>						
<i>* 1306</i>						
<i>Б. А. О. Мухаммадиев</i>						
<i>Д. Мухаммадиев</i>						

Етакзаб берудани: А.О.Мухаммадиев
 Райбар: А.О.Мухаммадиев
 Ижредчи:



Мухаммадиев

Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va bioteknologiyalar universiteti va
"HUDUDGAZTA'MINOT" AJ bilan 107551600 umumiylar summasida 2023 yil 9-yanvardagi
№T-III 50 sonli shartnomaga

Ilova 1

Yetkazib beriladigan tabiy gaz mikdori va xisobi

Oylar choraklar	Mikdori kub metr	2023 yil xoolatiga tarif narxi	Jami summa (sumda)
I chorak	82732	1300	107551600
Yanvar	41111	1300	53444300
Fevral	27833	1300	36182900
Mart	13788	1300	17924400
II-chorak		1300	
Aprel		1300	
May		1300	
Iyun		1300	
III-chorak		1300	
Iyul		1300	
Avgust		1300	
Sentyabr		1300	
IV-chorak		1300	
Oktyabr		1300	
Noyabr		1300	
Dekabr		1300	



X.B. Yunusov